

**Ғафуров Носир Қодирович,**

**Ўқитувчи**

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар**

**вазирлиги Бухоро академик лицейи**

**Gafurov Nosir Kadirovich,**

**Teacher**

**Bukhara academic Lyceum of the Ministry of**

**Internal affairs of the Republic of Uzbekistan**

## **ТЕРРОРИЗМ ТУШУНЧАСИ ХОРИЖ ОЛИМЛАРИ НАЗДИДА**

**Аннотация:** Мақолада дунё олимларининг жамият иллатларидан бири бўлган терроризм борасидаги фикр-мулоазалари таҳлил этилган.

**Калит сўзлар:** Экстремизм, террор, уюшган зўравонлик, ҳарбий-сиёсий мақсад.

### **THE CONCEPT OF TERRORISM UNDER FOREIGN SCIENTISTS**

**Annotation:** The article analyzes the views of scientists of the world on terrorism, one of the ills of society.

**Keywords:** extremism, terror, organized violence, military-political goal.

Терроризм таҳдидининг олдини олиш, унга қарши кураш муаммоси бугун ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Таъкидлаш керакки, хорижлик олимлар томонидан замонавий терроризм ва унинг намоён бўлиши тўғрисида кўплаб тадқиқотлар олиб борилган ва илмий ишлар ёзилган. Аммо улар муаммони тўлалигича ёритади, деб бўлмайди.

Жумладан, мазкур йўналишдаги илмий ишлар ва рисолалар таҳлили шундан далолат берадики, «террорчилик» тушунчасига ҳали-ҳануз ягона, аниқ бир илмий изоҳ берилмаган. Хусусан, террорчиликнинг глобаллашуви сабабларини ўрганган рус тадқиқотчилари Ю. Гаврилин ва Л. Смирнов кўлланадиган усувлардан келиб чиқсан холда жисмоний ва психологик, объектига кўра селектив ва жамиятга қарши «оммавий» ёки «кўр» терроризмни ажратиб кўрсатадилар.

Баъзи илмий ишлар эса сиёсий манфаатлар ва субъективлик асосида ёзилган. Жумладан, хитойлик мутахассис С.Гуанчэн Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг сепаратизмга қарши курашдаги имкониятлариға кўпроқ диққат қаратиб, «сепаратизм»ни «террорчилик» билан деярли бир хил тушунча, деб ҳисоблайди. Замонавий терроризмнинг аввалгиларидан ажralиб турувчи хусусиятларидан бири унинг янада қатъйлашгани ва кўпроқ инсониятга қарши йўналтирилганидир. Бу борада хорижлик тадқиқотчилар қатор фарқларни санаб ўтишади. Аммо уларнинг деярли барчаси замонавий терроризм ва унинг амалий жиҳатлари билан чекланади. Масалан, мутахассис В.Шестаков замонавий терроризм илмий технологияларнинг тез ривожланиши ва глобал миқёсдаги технологик тизимлар ва тармоқларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, замонавий терроризмнинг глобал характерга эга бўлишида оммавий ахборот воситалари, айниқса электрон ОАВ асосий роль ўйнайди. Шу билан бирга, Р.Амирокованинг илмий ишларида шуни кўриш мумкинки, 1950 йилларгача террорчилик хуружларининг 80 фоизи хусусий мулкка ва 20 фоизи инсонларга қарши йўналтирилган бўлса, 60-йилларга келиб бу кўрсаткичлар тенглашди, 2000-йилларда ўтказилган террористик хуружлар таҳлили эса уларнинг 70 фоизи инсониятга қарши қаратилганини кўрсатади.

Бундан ташқари, замонавий терроризмга яхлит тизим сифатида ёндашиш ва унинг ҳар бир элементини алоҳида ўрганиш лозимлигини тадқиқотчи В.Кафтан ўз илмий ишида таъкидлаб ўтган ва унга қуидагича таъриф берган: «Замонавий терроризм – алоҳида шаклда уюшган зўравонлик, ҳарбий-сиёсий мақсадлари, воситалари, усуслари ва таъсир ўтказиш натижалариға қўра уруш олиб боришининг шаклларидан бири сифатида ижтимоий курашнинг бир тури ҳисобланиб, ўта тажовузкор, уюшган, мафкуравий тайёргарликдан ўтган субъектларнинг аксилижтимоий фаолиятини ўзида акс эттиради».

Россиялик тадқиқотчи Ф.Муфтахова юқоридаги фикрга қўшилар экан, замонавий терроризм ўзаро боғлиқ учта қиррага эга эканини таъкидлайди:

доктринал, ташкилий ва фаолиятга оид. Мазкур қирраларнинг ҳар бири ўзига хосдир. Аниқроғи, замонавий терроризмнинг бош сабаблари глобаллашув жараёнларининг айrim индивидлар учун доим ҳам адолатли эмаслиги, мамлакатлар тараққиётидаги тафовут, цивилизациялараро зиддиятлар билан боғлик. Хорижлик тадқиқотчилар томонидан террорчи шахс психологиясининг ўзига хослигини ўрганиш бўйича бир қатор моделлар ишлаб чиқилганига қарамай, бу борада ечимини кутаётган муаммолар ҳам сақланиб қолмоқда.

Ўз тадқиқотида террорчилик кайфияти шаклланишининг сабаблари ва мазкур хуруж турлари ўртасидаги фарқ ва ўхшашликларни очиб беришга ҳаракат қилган россиялик олим С.Рошин террорчи шахсининг уча психологоик моделини таклиф этган. Биринчи модель психомутаассиб, яъни «ўзининг эътиқодлари (диний, мафкуравий, сиёсий)га асосланадиган ва ўз ҳаракатлари натижаси қандай бўлишидан қатъи назар, жамият учун «фойдали» эканига самимий ишонадиган шахс. Сиёсий тилда у мутаассиб, психологоик тилда эса психопатдир. Психопат, агар интилиш ва қарашлари жамият эҳтиёжларига мос келса, буюк ва эзгу ишларни бажара олади; аммо ҳаракатларининг мотивлари объектив ғайриижтимоий хусусиятга эга бўлса, улкан ёвузлик содир этиш ҳам қўлидан келади. Ҳар қандай психопат-мутаассиб террорчига айланиши мумкин». Иккинчиси, фрустрациялашган модель бўлиб, бихевиоризмнинг фрустрация тажовузкорлик назариясига асосланади. У ёки бу талабларга кўра, инсоннинг ўзи учун ҳаётий муҳим мақсадларга етиша олмаслиги туфайли юзага келган фрустрация (ноиложлик) ҳисси муқаррар равишда унда тажовузкор ҳаракатларга мойилликни юзага келтиради. Учинчи модель носоғлом оиласдан чиқсан шахс. Ота-онанинг бола билан шафқатсиз муомалада бўлиши, унинг жамиятдан ажralиб қолиши, яхши муносабатларнинг камлиги ғайриижтимоий майларга эга ғазабнок шахснинг шаклланишига олиб келади. Муайян шароитларда бундай одамлар осонгина террорчилик ташкилотлари воситасига айланишлари мумкин.

С. Ениколоповнинг фикрича эса, муайян умумий психологик тавсифлар мавжудлигига қарамай, террорчининг ягона психологик портрети хақида сўз юритиш учун асослар йўқ. У террорчилар орасида кўп учрайдиган иккита нисбатан аниқ психологик типни ажратади. Олимнинг қайд этишича, «биринчиси – юксак интеллекти, ўзига нисбатан ишончи, ўзини юқори баҳолаши билан ажралиб туради, иккинчиси эса ўзига ишонмайди, ожиз «мен»ига ва ўзига нисбатан паст баҳога эга омадсиздир».

Демак, ҳозирги кунда террорчи шахси ва террорчилик ҳаракатларини юзага келтирувчи психологик механизмлар тўлиқ ўрганилмаган. Юқорида келтирилган фикрларни террорчиларнинг умумлашган психологик профили, деб бўлмайди.

Хулоса сифатида қайд этиш мумкинки, бу мавзуда кўплаб тадқиқотлар ўтказилган, замонавий терроризмга хос хусусиятлар, террорчи шахс психологиясининг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш бўйича бир қатор ёндашув ва моделлар ишлаб чиқилган. Аммо ечимини кутаётган илмий муаммолар ҳам сақланиб қолмоқда.

#### **Фойдаланилган манбалар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. “Ўзбекистон”. Тошкент. 2019 йил.
2. Жўраев Н. Халқаро терроризм ва минтақавий можаролар. – Т., 2000. – Б. 28.
3. Закурлаев А. К. Ўзбекистон ривожига таҳдид солаётган ғайриқонуний диний оқим ва террорчилик ташкилотлари. Тариқатчилик, аслият ва моҳият. – Т., 2010. – Б. 15–21.
4. Гаврилин Ю., Смирнов Л. Трудовое право России. – М., 2006. 135
5. Хасанбоев Ў. Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари. – Т., 2014.